



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

"БОЙСУН –БАҲОРИ" ХАЛҚАРО ФЕСТВАЛИ: ТУРИЗМ САЛОҲИЁТИ"

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ФОЛЬКЛОРНЫЙ ФЕСТИВАЛЬ
«БАЙСУН –БАҲОРИ» ПОТЕНЦИАЛ ТУРИЗМА

«BOYSUN –BAHORI» INTERNATIONAL FOLKLORE
FESTIVAL TOURISM POTENTIAL



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛарНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

**“БОЙСУН –БАҲОРИ” ХАЛҚАРО ФЕСТВАЛИ: ТУРИЗМ
САЛОҲИЁТИ”**

**Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий
маданияти халқаро илмий-амалий анжумани**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ФОЛЬКЛОРНЫЙ ФЕСТИВАЛЬ
«БАЙСУН –БАХОРИ» ПОТЕНЦИАЛ ТУРИЗМА**

*Материальная и духовная культура Байсун в мировой
цивилизации*

**«BOYSUN –BAHORI» INTERNATIONAL FOLKLORE
FESTIVAL TOURISM POTENTIAL**

Material and Spiritual Culture of Boysun in World Civilizations

**ТОШКЕНТ
«YOSH AVLOD МАТВАА»
2022**

**УЎК 808.5(075.8)
КБК 83.7ya73
A77**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 февралдаги №-59 рақамли “Бойсун баҳори” фольклор фестивалини 2022 йил 7-8- май кунлари Сурхондарё вилояти Бойсун туманида ўтказиш тўғрисидаги баённомаси асосида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамкорлигига 2022 йил 6 май куни Термиз шаҳридаги Имом Исо Термизий илмий тадқиқот марказида “Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти” халқаро илмий анжуман ташкил этилди. Анжуманга тақдим этилган илмий мақолалар тўплам сифатида чоп этилди.

“Бойсун-баҳори” фольклор фестивалини “Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами / С. Турсунов. – Т.: “Yosh avlod matbaa”, 2022. – 578 б.

Масъул муҳаррир:
т.ф.д., проф. С.Н. Турсунов

Тақризчилар:

*т.ф.д.профессор А.Аширов, т.ф.д.профессор Р.Х.Муртазаева
ф.ф.д П.Бакиров, ф.ф.н Ҳ.Жўраева, ф.ф.д.профессор Н.А.Хуббитдинова,
ф.ф.д. профессор Ш.Турдимов, т.ф.д. профессор Г.В. Юлдыбаева.
ф.ф.н.Б.Муртазоев, ф.ф.н.Н.Йўлдошев, т.ф.д. Т.Пардаев, профессор
О.Бўриев, ф..ф.б.ф.д А.Худойқулов, ўқитувчи И.Қаршиев, Б.Сайдовлар.*

Техник котиба:
Қўшиқова Моҳигул Турсуновна

Мазкур тўплам Термиз давлат университетининг 2022 йил 25-апрелдаги илмий кенгаши йиғилишида муҳокама этилиб, нашрга тавсия этилди. Тўпламда Хоржий ва Ўзбекистон республикаси оид тарихий-археологик ва этнографик, халқ оғзаки ижодиёти ҳамда фан, таълим ва тарбиянинг тарихий нуқтаи-назардан эришилган ютуқларига оид илмий мақолалар жамланган.

ISBN-978-9943-6897-5-6

“Yosh avlod matbaa”, 2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 7 февралдаги №-59 рақамли “Бойсун баҳори” фольклор фестивалини 2022 йил 7-8 май кунлари Сурхондарё вилояти Бойсун туманида ўтказиш тўғрисидаги байдономаси асосида илмий анжуманни Термиз давлат университети ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамкорлигига 2022 йил 6-май куни Термиз шаҳридаги Имом Исо Термизий илмий тадқиқот марказида “Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти” халқаро илмий анжуман ташкил этилди.

На основании Протокола Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 февраля 2022 года провести 7-8 мая 2022 года в Байсунском районе Сурхандарьинской области фольклорный праздник «Байсунская весна» №-59, научную конференцию состоялась 6 мая 2022 г. В Научно-исследовательском центре имама Иса Термизе в город Термезе организована Международная научная конференция «Материальная и духовная культура Байсуна в мировой цивилизации».

On the basis of the Protocol of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan from February 7, 2022 to May 7-8, 2022 in Baysun district Surkhandarya region folklore festival «Baysun spring» №-59, scientific conference will be held on May 6, 2022. The International Scientific Conference «Material and Spiritual Culture of Baysuna in World Civilization» was organized at the Scientific-Research Center of Imam Isa Termizi in Termez.

АНЬАНАВИЙ НИКОҲ ТЎЙИ МАРОСИМЛАРИ ЭТНОГРАФИК ТАҲЛИЛИ (БУХОРО ВОҲАСИ МИСОЛИДА)

**3.А.Шамсиева- БухДУ “Бухоро тарихи”
кафедраси ўқитувчиси**

Маълумки, урф-одат ва анъаналар тизими инсоният жамияти ривожланишининг дастлабки босқичларида шаклланган. Даврлар ўтиши, турли этносларнинг ривожланиши билан маросимларнинг шакли, мазмуни ва вазифалари ҳам ўзгариб боради. Бухоро воҳаси аҳолисининг никоҳ тўйи билан боғлиқ маросимларининг ўтказилиш тартиби ва улар билан боғлиқ жараёнларнинг анъанавий ва замонавий кўринишларини аниқлаш, уларнинг ижтимоий аҳамиятини тарихий этнографик нуқтаи-назардан тадқиқ этиш тарихчи-этнологлар олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Бухоро воҳаси аҳолиси никоҳ тўйи маросимларининг дастлабки босқичида ўтказиладиган маросимлар қаторига келин танлаш (тож.”духтар бини”), совчилик (тож.”хўскори”), ширинихўри (ўзб. ширинлик ейиш), нон синдириш (тож.нонщиканон), оқлиқ элтиш (тож.парчабурон), жавобберди, рўмолберди, ҳайитлик (тож.ийди), хатми Қуръон ўтказиш (келин ва куёвнинг уйида) кабилар киради. [1]

Воҳада кўпинча розилик жавоби совчиларнинг учинчи марта келишларида берилади ва бунда алоҳида дастурхон тузатилиб, қиз хонадонидаги катта ёшли эркаклар ва аёллар йиғилиб, совчилар кутиб олинади ва йигит томонга розилик жавоби берилади ва қиз хонадонида Фотиха тўйи ўтказилади.[2]

“Фотиха” - арабча сўз бўлиб, “очиш”, “очилиш”, “бошланиш”, “ибтидо”, “муқаддима” деган маъноларни англатади. Куръоннинг биринчи сураси ҳам Фотиха деб номланади. Қиз билан йигит турмуш куришга рози бўлгандан кейин, буни қариндош-уруг, маҳалла ахлига маълум қилиш мақсадида никоҳдан олдин ўтказиладиган унаштириш маросимидир. Фотиха гўё ярим никоҳ, у икки томоннинг келажак ҳаётига тақдир муҳрини босади.[3]

Фотиха тўйи деб қадимдан Бухоро шаҳрида катта никоҳ тўйи кечаси (вечер) ўтказилишидан бир кун олдин қиз уйида ўтказиладиган катта маросим назарда тутилади. Совчиларга расман жавоб бериладиган пайтда ўтказиладиган «ширинихўри»

(ўзб. ширинлик ейиш), «жавобберди», «рўмлберди», «ноншиканон»(ўзб нон синдириш), «парчабурон» каби кичик маросимлар алоҳида тарзда ўтказилади.[4] Бироқ, Бухоро воҳаси туманларида айрим оиласарда “Фотиҳа тўй” деганда совчиларга жавоб бериладиган кунда қизнинг отаси томонидан ташкиллаштириладиган маросим тушунилади ва бу кунда ота қиз ўстириб, катта қилгани шарафига “падар оши” қилиб беради.

Ахборотчилярнинг маълумотларига қараганда, XX асрнинг иккинчи ярмида айрим оиласарда ”ноншиканон” “ширинихури”, “рўмлберди”, “парчабурон” каби никоҳ тўйининг кичик маросимлари алоҳида тарзда ўтказилади. Бугунги кунда эса ортиқча харажатлардан сақланиш, дабдабабозлика йўл кўймаслик мақсадида ушбу кичик маросимларнинг барчаси ихчамлаштирилиб бир кунда Фотиҳа тўйи тартибида ташкил қилинади. Бу ҳол никоҳ тўйи маросимларидаги муҳим трансформациян белгилардан биридир.^[5] Айрим худудларда бу кичик маросимлар бир кунда ўтказилган ҳамда эркаклар ва аёллар орасида алоҳида ташкил қилинган.^[6]

Қиз томон розилигини халққа маълум қилиш маросимлари республикамизхудудлари датурличааталади. Жумладан, Самарқанд тожиклари орасида “ошхўракон”(ўзб. ош ейиш), “чавобошӣ”(ўзб. жавоб оши), “қабулдорам”(ўзб. қабул қилдим), Ҳисор ва Нуротада “рўмлтиён” (ўзб.рўмол берди), Хўжандда “ҳагўён” (“хўп” дейиш), “сафедитиён” (ўзб. оқлик бериш), Ургутда “маълумкуний” (ўзб.маълум қилиш, билдириш), Фарғонада “маъқулдорам” (ўзб. маъқуллаш) каби этнографизмлар совчиларга розилик жавобини бериш учун ўтказиладиган маросимга нисбатан кўлланилади. [7;13] Хоразм воҳасида эса бу маросим “эшикочар” деб ҳам аталади ва “оқ олишди” “оқ олди”, “шира олди”, “қанд олди”, “жувоб олди” деган иборалар эса қиз тараф рози бўлди, деган маъноларни билдиради.[8;36-37]

Совчилик билан боғлиқ удумлар амалга оширилгач, бўлғуси қудалар ўз яқинлари ва қариндош-уруғлари билан маслаҳатлашиб бир битимга келишади. Тожикистоннинг Панжикент вилояти тожиклари орасида[9;9] кузатилгани каби Бухорода ҳам совчилар учинчи маротаба қиз уйига келиб, одатда расман розилик жавобини олиб, икки ёшни унаштириш учун , Фотиҳа тўйини ташкил этишини режалаштирганлар. Одатда, ҳафтанинг хайрли кунлари деб чоршанба, жума, якшанбадан бири танланади. Тўйини

ўтказиш хақида икки томон ўзаро маслаҳатлашиб оладилар. Маросимда иштирок этадиган ҳар икки томондан меҳмонлар сони одатда томонлар томонидан олдиндан келишиб олинади.[10]

Фотиха тўйи билан боғлик маросим ва урф-одатлар Хоразм[8;34-35], Қашқадарё воҳалари ўзбеклари[11;42], Самарқанд тожиклари[7;13], Ҳисор водийси тожикларида ўтказилиши тадқиқотларда қайд этилган.[12;19]

Қоидага мувофиқ, маросим дастурхони учун харажатларни куёв томон ўз бўйнига олади, яъни маросимдан бир кун олдин келин уйига куёв томондан дастурхон тузаш учун барча маҳсулотлар келтирилади ва бу одат воҳа тожиклари орасида “борбиёрон” (ўзб. юк келтириш) номланади. Бухоро шаҳридаги аҳборотчиларнинг маълумотига қўра, куёв томон Жавобберди ва ширинихўри маросимлари ўтказиладиган кунда алоҳида, катта Фотиха тўйида алоҳида “бор” келтиради. Албатта, қандай микдордаги маҳсулотларнинг юборилиши оиласаларнинг иқтисодий аҳволига боғлик. Демак, куёв томон жўнатадиган маҳсулотлар бир хил микдорда бўлмайди. Бироқ ҳалқда тирик қўчкорни оёғи билан элтиш, ун, сариёғ, ширинликлар каби маҳсулотлар, албатта, юборилади[13]. Фотиха тўйи харажатларининг куёв зиммасида бўлиши Қашқадарё воҳасида ҳам кузатилади.[12;47]

Фотиха тўйида қўни-қўшни, қариндош-уруглар йигилиб, дастурхон учун пишириклар-нонлар, фатирлар пиширадилар. Куёв томон эса жуфт микдордаги дастурхонларда (одатда, 2 ёки 4 та) келин ва унинг оила аъзоларига совғалар олиб келишади. Дастурхонлардан бирида ширинлик, қандолат маҳсулотлари, парварда, ҳолвалар, бирида “оқлик” маросими учун оқ мато ва келин учун оқ рўмол олиб келинади. Одатда, куёв томонидан биринчи марта сарпо келтирилганда мато, рўмол ва оёқ кийими ҳам оқ рангда бўлишига аҳамият берилади. Учинчи дастурхонда келин учун сарполар келтирилади. Бугунги кунда сарпо тайёрлаганда нафақат мато, рўмол ва оёқ кийим, балки келин учун турли атирупаларни ҳам элтиш урфга айланган. Тўргинчи дастурхонда эса келиннинг оила аъзолари учун совғалар кўйилади.[14]

Жавобберди маросимида розилик жавоби эркаклар томонидан берилади. Келин хонадонига куёвнинг эркак оила аъзолари, яъни боболари, отаси, тоғалари, амакилари ташриф буюришади. Келиннинг отаси ёки амакиси йигилганлар олдида қизнинг “жавоби берилганлигини” эълон қиласи ва ёши катталар томонидан нон синдирилади(тож. ноншиканон).[15] Сўнгра келин

томон даврадаги эркакларнинг ҳар бирига белбоғ тарқатади. Келин томондан жавобни олган күёв томон эркаклари эса барчалари туриб қизнинг отасига қиз фарзандни вояга етказиб, уларга ишониб топшираётгани учун қуллук қилишади. [16]

Аёллар даврасида эса худди шу жараёнда параллел равища «парчабурон» маросими ўтказилади. Маросимда күёв томондан совға сифатида олиб келинган дастурхонлар(тож. лаълилар) ҳамманинг олдида очилади. Келин томоннинг ёши катта, кўпни кўрган, серфарзанд оила аъзоси (бувиси, холаси, аммаси матони ,бисмиллаҳир роҳманур роҳийм» деб дастурхонларни очади ва олиб келинган оқ рангдаги матога қайчи уриб, бир парча, яъни кичик бўлак кесиб олади.Ушбу удум бажарилганидан сўнггина бўлажак келинга тўй либосларини тикишга рухсат берилади. Бу маросим воҳа тожик тилли аҳолиси орасида «парчабурон»(ўзб. парча кесиш), “сафедидарон”(ўзб.оқликни кесиш) „остарбурон“ (ўзб.астар киркиш) деб аталади. Келин ва күёвга баҳт тилаб бир-бирларини “муборак бўлсин” (тож. “муборак шавад”) деб табриклишади ва серфарзанд, кекса аёллардан бири ёки кайвони хотин дуога кўл кўтаради.[17]

Күёв томон дастурхонлари маросим дастурхони егуликлари билан қайтарилиди.Бундан ташқари, айрим ахборотчиларнинг маълумотига қараганда, күёв учун сарпо, унинг оила аъзоларига эса совғалар ҳам берилади.[18] Бугунги глобаллашув жараённида ҳам совғалар бериш тартиби ўзгариб бормоқда. Бу масалада баъзи оиласлар дабдабозликка берилиб, натижада ортиқча сарф-харажатларга йўл қўйилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, воҳада никоҳ тўйи маросимлари ва улар билан боғлиқ урф-одатлар нафақат шаклан, балки мазмунан ўзгарган ёки трансформацияга учраб, ихчамлашиб,мукаммаллашиб борган. Хусусан, илгари замонларда алоҳида тартибда ўтказилган никоҳ тўйигача кичик маросимлар бугунги кун айрим хонадонларда кўпчилик томонидан яхлит “фотиха тўйи” сифатида ўтказилипти. Никоҳ тўйигача бўлган катта-кичик маросим ва тадбирлардан қўлланган мақсад икки ёшнинг баҳтли, тинч-тотув турмуш куришидир. Бунинг асосида эса жамиятимизда мустаҳкам,ибрат олса арзигулик оиласлар барпо этилади. Бундан ташқари бўлғуси кудалар ва уларнинг қариндош-уруғлари томонидан амалга ошириладиган барча расм-руsumлар икки тарафнинг ўзаро бир-бирларини яқиндан таниб олишларига, бардавом муносабатлар ўрнатилишида муҳим рол ўйнайди.

МУНДАРИЖА

“YURT AN’ANALARINI MILLATLARARO TARANNUM ETISH BOSQICHLARI”. O’zbekiston Respublikasi Madaniyat vaziri Nazarbekov Ozodbek Axmadovich	4
«БОЙСУН БАҲОРИ» ФОЛЬКЛОР ФЕСТИВАЛИ ХАЛҶАРО ДЎСТЛИК ВА АЛОҚАЛАР РАМЗИ. Сурхондарё вилоят ҳокими Боболов Тўра Абдиевич	5
БОЙСУН БАҲОРИ ФЕСТИВАЛИ МИЛЛИЙЛИГИМИЗ ИФОДАСИ. Термиз давлат университети ректори, профессор Авазжон Раҳимович Марахимов.....	8

1-ШЎЬБА. ХАЛҶИМИЗНИНГ ЎЗИГА ХОС ФОЛЬКЛОР САНЪАТ ТАРИХИ ВА МАНБАЛАРИГА ТАРИХИЙ, АДАБИЙ-БАДИЙ ВА ЭТНОЛОГИК ЁШДАШУВЛАР

Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич. “БОЙСУН-БАҲОРИ” ФОЛЬКЛОР ФЕСТИВАЛИ МИЛЛИЙЛИКНИ АНГЛАШ ИФТИХОРИ ВА ТҮЙҒУСИ	12
Улуғбек Абдуллаев. ЎЗБЕК ХАЛҶИННИНГ ҚАДИМГИ ТАҚИНЧОҚЛАРИ: ТАРИХ ВА ТАҲЛИЛ.....	27
Шодман Вахидов. ЗЕМЛЕДЕЛЬЧЕСКОЕ ХОЗЯЙСТВО Абдырахман Мырзагулович Алымбаев. НАСЕЛЕНИЯ СУРХАНСКОГО ОАЗИСА НАРОДНЫЕ ГУЛЯНИЕ И ОБРЯДЫ..	36
Алима Мусировна Ауанасова. КУЗНЕЧНОЕ РЕМЕСЛО СУРХАНСКОГО ОАЗИСА.....	37
Турекеев Қ.Ж. ҚОРАҚАЛПОҚЛАРНИНГ АНЪАНАВИЙ НИКОҲ ТҮЙИ МАРОСИМЛАРИДАГИ ХАЛҶОНА ТАСАВВУРЛАР ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАР	40
Фахруддинов Раиль Равилович. ЖЕНСКАЯ И ДЕТСКАЯ ОДЕЖДА СУРХАНДАРБИ	46
Тилемуколов Гаухар. СТРОИТЕЛЬСТВО ЖИЛИЩ И ИХ РАЗНОВИДНОСТИ	48
Төрениязова Дилфузә Қуламетовна. ҚАРАҚАЛПАҚ ХАЛҶЫНЫҚ ӨНЕР КЁСИПЛЕРИ ТАРИХЫНАН.....	51
Э.Қобулов. МАНФИТЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИ СИЁСИЙ ҲАЁТИДА БОЙСУН	55
Рамиль Камилович Адыгамов. НАКШБАНДИЙСКИЕ НАСТАВНИКИ ТАТАРСКИХ БОГОСЛОВОВ КОНЦА XVIII – XIX ВВ. В СРЕДНЕЙ АЗИИ.....	58

Рахматов Йўлдош Ғайбуллаевич. ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛ ВА РИВОЯТЛАРИ МУНОСАБАТИГА ДОИР	67
Худайқурова Латифа Авазовна, Имомназарова Шаҳодатбону Хабитовна. “ОҒИЗ ИСКАШ” ВА “МАКИЁН СОВЧИ” АНЬАНАСИ ҲАМДА “ҚИЗ ТАНЛАШ” ВА “СОВЧИЛИК” УДУМЛАРИ	72
Пардаев Тошкенбой Ражабович. ШЕРОБОД ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБИНинг ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ ВА ГЕОГРАФИЯСИ ..	78
Рахмонов Фахриддин Шоймардонович. ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИЁТИДА “СУСТ ХОТИН” МАРОСИМИНИНГ ЭТНОЛОКАЛ ТАЛҚИНИ (ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА).	81

ETNOGRAFIYA

Olim Qayumov. SHOMON MAROSIMI MORFOLOGIYASIGA DOIР.....	88
Давлатова Саодат Тиловбердиевна. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БАХШИЧИЛИК ВА ДОСТОНЧИЛИК АНЬАНАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ...	96
А.Р.Қаюмов. ОТ ВА ТУЯ БИЛАН БОҒЛИҚ АНЬАНАВИЙ ЭТНОСПОРТ ЎЙИНЛАРИ ВА УНИНГ ЭТНО ВА ЭКОТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ	102
Ўқтам Ҳакимов. “Алпомиши” достонининг ижро варианtlари	108
Сайимов Салим Сайимович. Бойсун баҳори – юртим ифори....	111
Гулбаҳор Фозилова. САМАРҚАНД ВА ХОРАЗМ ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ (Гўрўғлиниг туғилиши достони мисолида).....	112
Мунис Жўраева Юнусовна, Нигора Абдусаломова Шуҳрат қизи БАХШИЧИЛИК САНЪАТИДА УСТОЗ-ШОГИРД АНЬАНАЛАРИГА ОИД БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР	117
Курбонова Манзила Боқиевна. ТАОМ-ЭТНИК МАДАНИЯТ ҲОСИЛАСИ (“ОҒИЗ СУТИ” ТАОМЛАРИ МИСОЛИДА).....	123
М.Б.Курбонова, И.Т.Калонова. АНЬАНАВИЙ “САБАНТЎЙ” БАЙРАМИ ВА УНИНГ ЗАМОНАВИЙЛАШУВИ.....	129
Кичкилова Матлуба Ҳамзаевна. КЎҲИТАНГ ТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ЖАСОРАТИГА ОИД ИЛМИЙ ТАДКИҚОТЛАР	133
Эргашева Сайёра Абдусоатовна. БОЙСУН - УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИ.....	137
З.А.Шамсиева. АНЬАНАВИЙ НИКОҲ ТЎЙИ МАРОСИМЛАРИ	